# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

◀1

Ишбилармонлар мулоқотини рағбатлантириш учун самарали платформалар яратилди. Жорий йилнинг апрель ойида учинчи бор Тошкентда муваффақиятли ўтказилган ва анъанавий тус олган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси шулар жумласидан.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилди. Уч йилга мўлжалланган Биргаликдаги ишлар режаси доирасида қонунчиликни халқаро нормаларга уйғунлаштириш, иқтисодиётни тартибга солиш тажрибаси билан алмашиш, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида тўсиқларни бартараф этиш бўйича 200 дан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон савдо тартиботларини соддалаштириш бўйича ҳамда транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология ва туризм соҳаларидаги алоҳида дастурлар ва тармоқ лойиҳаларида иштирок этмоқда.

— Глобал хавф-хатарлар, транспорт-логистика занжирларида жиддий узилишлар, озиқ-овқат тақчиллиги ва энергетик хавфсизлик таҳдидлари ва бошқа муаммолар кучайиб бораётгани мамлакатларимиз барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг биринчи галдаги вазифаларини ҳал этиш учун яқин ҳамкорликни янада мувофиқлаштиришни тақозо қилмоқда, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси ҳажмини тубдан ошириш учун савдо тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳимлигини қайд этди. Техник тўсиқларни бартараф этиш ва мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимнинг қабул қилиниши бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти божхона маъмурчилиги, санитария, фитосанитария ва ветеринария назорати ҳамда товарлар келиб чиқишини сертификатлашнинг электрон платформалари ва онлайн тизимларини интеграция қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш учун экспертлар даражасида батафсил маслаҳатлашувлар ўтказиш таклиф қилинди.

— Евроосиё маконида янги иш ўринларини яратиш ва индустриал хабларни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш бўйича қўшма чора-тадбирлар кўрилиши лозим, деб ҳисоблаймиз, — деди Президент.

Мамлакатимиз кооперация лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўп томонлама дастурларда ва ЕОИИ Ишбилармонлар кенгаши фаолиятида иштирок этишдан манфаатдор экани билдирилди.

Муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш ва барқарор логистика занжирларини яратиш борасида биргаликдаги ишларни кучайтириш аҳамиятига эътибор қаратиб, Ўзбекистон етакчиси Шимол — Жануб халқаро йўлакларини ва минтақамизни Хитой, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғловчи бошқа магистралларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари тариф сиёсати масалаларида яқиндан мувофиқлашув зарурлигини қайд этиб, Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўли қурилишини амалга ошириш бўйича Лойиҳа офиси ишига қўшилишни таклиф этди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида Ўзбекистон раҳбари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ўрнини фаол босишни рағбатлантириш, “яшил” йўлакларнинг тўлақонли ишлашини таъминлаш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатларимиз агробизнеси вакиллари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш таклифларини илгари сурди.

Шу мақсадда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги вазирлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва импортчилари иштирокида “ЕОИИ плюс” форматида Аграр форумни ўтказиш ташаббусини билдирди.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, олий таълим муассасалари ва профессионал таълим марказлари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳаларда иштирок этиш имкониятлари қайд этилди. Муҳандислик-техник ихтисосликлар бўйича талаб юқори бўлган кадрларни биргаликда тайёрлаш юзасидан “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзининг якунида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши якунлари ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари, шакл ва механизмларини ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ ТАШАББУСЛАРИ ФАҚАТ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА УЗОҚ ИСТИҚБОЛГА ҚАРАТИЛГАН

◀1

**Эдуардо ГУЛЯН, «ACIR Southern Europe» Евроосиё бизнес альянси раҳбари (Испания):**



— Ўзбекистон Президенти саноат кооперацияси, транспорт-логистика ва электрон платформаларни бирлаштириш соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб, ЕОИИ доирасида келгусидаги устувор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб берди.

Хусусан, у ўзаро савдо-сотиқдаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга эътибор қаратиб, иқтисодий алоқаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича ёндашувларни янада мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарининг муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш ва барқарор логистика занжирларини яратиш бўйича биргаликдаги ишларни кучайтириш бўйича ташаббусини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, Марказий Осиё минтақасини Хитой, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган халқаро Шимол — Жануб йўналишлари ва бошқа автомобиль йўлларини ривожлантириш ташаббуси катта эътиборга молик.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу таклифи Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва янги транспорт йўлакларини барпо этиш нуқтаи назаридан долзарбдир, деб ҳисоблайман.

Европада ЕОИИнинг ривожланиши, “тўрт эркинлик” — товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи эркинлигини шакллантириш вазифаларининг изчил амалга оширилиши катта қизиқиш билан кузатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугунги кунда Ўзбекистон очиқ иқтисодий сиёсат олиб бормоқда, савдони эркинлаштириш, саноатни модернизация қилиш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш чоралари кўриляпти. Халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилаётир.

Ўйлайманки, дунё мамлакатлари жаҳон бозорларидаги беқарорлик ва глобал таъминот занжирларининг узилишига рўпара келган бир шароитда иқтисодий барқарор ўсишни таъминлашга ҳамда рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган самарали амалий ечимлар зарур.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ЕОИИнинг навбатдаги йиғилишида илгари сурган ташаббуслари, менинг фикримча, ўз вақтида кўтарилган масалалар бўлиб, улар ўзида жаҳон иқтисодий кун тартибининг долзарблигини акс эттиради.

**Василий КАШИН, Олий Иқтисодиёт мактабининг Европа ва халқаро муносабатлар илмий-тадқиқот маркази директори (Россия):**



— Бугун Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида муҳим нутқ сўзлади. Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мамлакат сифатида аъзо бўлганидан бери ушбу тузилманинг тадбирларида мунтазам равишда қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистон раҳбари ЕОИИ мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, биринчи навбатда, савдо тартиб-қоидаларини соддалаштириш, товар айирбошлашни кескин ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, санитария назорати тартиб-қоидалари, тегишли рухсатномалар берилишини соддалаштириш ва бошқалар билан боғлиқ қатор ташаббусларни илгари сурди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон раҳбарияти иттифоқ билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун салмоқли саъй-ҳаракатларни амалга оширяпти. Шу билан бирга, Президент баён этганидек, Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўл тармоғи сингари республика илгари сураётган муҳим транспорт ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда ЕОИИ аъзоларининг ҳамкорлигини кутаётир.

**Энтони РОЖЕРС, Малайя университети ҳузуридаги Осиё ва Европа институти директорининг ўринбосари (Малайзия):**



— Ўзбекистон фақат миллий манфаатларга асосланган очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб боряпти. Тошкент ЕОИИда кузатувчи давлат сифатида қулай шарт-шароитлар яратиш, янги ўсиш нуқталари ва савдо алоқаларини кенгайтириш имкониятларини излаш бўйича аниқ-равшан ташаббусларни илгари сурмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг глобал муаммолар, транспорт ҳамда логистика занжирларидаги жиддий камчиликлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига таҳдидларнинг ортиб бориши шароитида ЕОИИ аъзолари барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳал этиш учун яқин мувофиқлаштириш зарурлиги ҳақидаги фикрларига тўла қўшиламан.

Тошкент муқобил транспорт йўлакларини барпо этиш ва логистика тармоқларини ривожлантиришга ҳам катта қизиқиш билдирмоқда.

Марказий Осиёни Хитой, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган Шимол — Жануб халқаро йўналишлари ва бошқа автомобиль йўлларини ривожлантириш минтақа мамлакатларининг янада фаровонлиги ва равнақи учун устувор аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги вазирлари, етакчи озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва импортчилар иштирокида “ЕОИИ плюс” форматида Аграр форум ўтказиш таклифи жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўз вақтида илгари сурилган таклифдир.

Бундай тадбирлар, шубҳасиз, ЕОИИ аъзо давлатлари агробизнес вакиллари ўртасида билим, тажриба ҳамда илғор технологиялар алмашиш, қўшма тадқиқотлар ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ишончим комилки, аъзо давлатлар ва кузатувчилар ўртасидаги яқин ҳамкорлик ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва ушбу ташкилот маконида уйғунлашган умумий бозорни шакллантиришга олиб келади.

**Илгар ВЕЛИЗАДЕ, «Жанубий Кавказ» сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):**



— Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг ташқи сиёсий қадамларини кузатиш бўйича кўп йиллик тажриба уларнинг барчаси фақат миллий манфаатлардан келиб чиққан ва узоқ келажакка қаратилгандир, деган аниқ хулосаларни чиқариш имконини беради. Шубҳасиз, ЕОИИда кузатувчи бўлиш ана шундай қарорлардан бири ҳисобланади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ЕОИИ саммитида сўзга чиқиб, Евроосиё маконида янги иш ўринлари яратиш ва саноат марказларини шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим омил бўлган саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўшма чора-тадбирлар кўриш ташаббуси билан чиқди.

Шубҳасиз, ушбу муҳим ташаббус барча мамлакатлар томонидан қабул қилинган замонавий технологик платформалар асосида мамлакатлар ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратишга қаратилган.

Бу мазкур жараёнда иштирок этаётган мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш, уларнинг ўзаро муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва самарали меҳнат тақсимоти асосида узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради.

**«Дунё» АА.**

# МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

*Сингапур Президенти Ҳалима Яқубнинг 23 — 25 май кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доираларининг диққат-эътиборида бўлиб турибди. Хорижий экспертларнинг фикрича, мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ҳамкорликни янги — инновацион даражага кўтаришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.*

## Эътироф

**Ҳикмет ЭРЕН, “EkoAvrasya” Евроосиё иқтисодий алоқалар ассоциацияси бошқарув раиси (Туркия):**



— Жуда муҳим ташриф. Чунки Сингапур томони учун бу икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин 25 йил ичида Тошкентга амалга оширилган биринчи олий даражадаги ташрифдир.

Бундан ташқари, ушбу ташриф Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Сингапурга тарихий сафари чоғида фундаментал пойдевор қўйилган кўп қиррали муносабатларни чуқурлаштиришнинг мантиқий давоми бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол иқтисодий сиёсати туфайли Ўзбекистон — Сингапур муносабатлари, айниқса, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда сезиларли ютуқларга эришди.

Сингапур ҳам Ўзбекистон учун энергетика, транспорт, кимё ва тўқимачилик саноати, шаҳарсозлик, таълим ва бошқа муҳим соҳаларда 3,8 миллиард долларлик лойиҳалари билан мамлакатингизнинг энг йирик инвесторлари қаторидан жой олди.

Сингапурнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ташриф чоғида имзоланган икки томонлама гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва тегишли лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган келишувлар инсон капиталини ривожлантириш, айниқса, давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасига хизмат қилади.

Ишончим комилки, расмий Сингапурнинг Ўзбекистондаги ўз университетлари фаолиятини қўллаб-қувватлаши, шунингдек, икки мамлакат ўртасида мунтазам маданий-маърифий ва сайёҳлик алмашинувининг фаоллашиши Ўзбекистон — Сингапур гуманитар алоқаларини ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг яқинлашувида кучли рағбат бўлиб хизмат қилади.

**Мурад САДАДДИНОВ, мустақил сиёсий шарҳловчи (Озарбайжон):**

— Сингапур дунёдаги энг кичик давлатлардан бири. Етакчи Ли Куан Юнинг ислоҳотлари мамлакатга иқтисодий ютуқларга эришиш имконини берди. Бугунги кунда ушбу мамлакат электроника ва фармацевтика каби юқори технологияли соҳаларда жаҳондаги илғор давлатларидан бири, энг йирик молия ва нефтни қайта ишлаш марказы ҳисобланади. 2017 йилда мамлакатнинг харид қобилияти паритети бўйича аҳоли жон бошига номинал ЯИМ 93 минг долларга етди. Бу — дунёда учинчи кўрсаткич.



Қандай қилиб қисқа вақт ичида — атиги бир неча ўн йилда бу натижаларга эришилди? Сингапурни модернизация қилиш, сармоя ва инновацияларни ривожлантириш векторини белгиловчи иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий модернизация ва сиёсий барқарорлик каби асосий йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар билан таъминланди.

Менимча, Ўзбекистон Сингапур моделини танлаяпти. Бизга қардош юртда бошланган кенг кўламли ислоҳотлар ушбу кичик шаҳар-давлат тараққиёт йўлини эслатади.

Сингапур нимадан бошлади — хорижий инвесторларни жалб қилиш, молия бозори ва юқори технологияли саноатни ривожлантиришдан. Сингапур бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва тартибга солишнинг содда ҳамда шаффоф тартибларини қабул қилди. Шаҳар-давлат Осиёда хорижий корпорациялар учун жуда қулай шарт-шароитлар ярата олган биринчи мамлакатга айланди.

Бизнес шароитларини соддалаштириш билан бир вақтда шаҳар-давлат ҳукумати изчил иқтисодий сиёсатни амалга оширди, бунда давлат тутқичлари муҳим роль ўйнади. Ҳокимият устувор тармоқларни ажратиб кўрсатди, уларга сармоя киритди ва ривожлантирди, кейин эса бу сегментлар маълум бир ривожланиш даражасига эришиб, бутун иқтисодиётнинг локомотивига айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мамлакат тараққиёти учун айнан мана шу йўналишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Самарқандда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг “Барқарорлик учун сармоя киритиш” асосий мавзуси остида 32-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатингизга юксак ҳурмат ва ишонч, белгиланган мақсад ҳамда вазифаларга мувофиқ изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг эътирофидир. Ўзбекистон учинчи йилдирки ушбу етакчи молия институти томонидан ажратилаётган инвестициялар ҳажми бўйича минтақада етакчилик қилмоқда.

Бу Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг самарали натижаларининг бир қисми холос.

Ўзбекистон Президенти 17 январь куни давлат ташрифи билан Сингапурда бўлди. Ташриф давомида давлат бошқаруви учун кадрлар тайёрлаш, сармоя, “яшил” технологиялар ва рақамли ечимларни жалб қилиш, шаҳарсозлик ва коммуникациялар соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Мамлакатлар кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилиш, капитали 500 миллион доллар бўлган сармоявий компания ташкил этиш бўйича келишиб олдилар, қарийб 5 миллиард долларлик шартномалар имзоланди.

Биз, ўз навбатида, қардош Ўзбекистоннинг муваффақиятларидан мамнунмиз.

**«Дунё» АА.**

## Сенат қўмитасида

# ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ХАБАРДОРЛИГИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

*Сир эмас, кейинги йилларда жамиятимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида изчил ўзгариш ва ривожланиш кузатиляпти. Табиийки, мазкур ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида янги қонунлар қабул қилинмоқда, турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга йўналтириб келиняпти.*

Хўш, ушбу янгиликлардан фуқароларнинг хабардорлиги қай даражада?

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида айни шу масалага кенг урғу берилди. Яъни унда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича 450 мингга яқин тадбирлар ўтказилган. Шундан телевидение орқали 12157 та, радиода 18844 та чиқиш қилинган, 188300 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган, ижтимоий тармоқларда эса 185300 дан ортиқ маълумотлар жойлаштирилган ҳамда 13 мингдан зиёд таҳлилий маълумотлар, мақолалар газета ва журналларда чоп этилган. 516 та қўлланма ва бошқа ёзма материаллар, 22394 та кўргазмали тарғибот материали тайёрланган ва тарқатилган.

Хусусан, “Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича долзарб икки ой” ҳуқуқий акцияси ўтказилиб, унинг доирасида 7700 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, 100 дан зиёд сайёр қабуллар ташкил этилган, 70 мингдан кўпроқ хотин-қизга бепул ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Ҳайдовчи ва пиёдалар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида “Қоидаларга йўл ҳам бўйсунади” ойлиги доирасида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича умуммиллий имтиҳон”, “Ҳуқуқий ахборот” каналида аудиоподкаст ўтказилган, “Бир қадам” видеороликлар танлови ташкил қилинган ҳамда “Ҳуқуқий такси” лойиҳаси амалга оширилган.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда жами 25 мингга яқин давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги оширилиб, баҳолашдан ўтказилган.

“Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир” шиори остида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида 10 мингга яқин тадбирлар ўтказилиб, 10 та туркум видеоролик тайёрланган.

Эшитув доирасида сенаторлар амалга оширилган ишлар билан бир қаторда соҳада айрим камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўтказилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳақидаги маълумотлар бу тадбирлар амалга оширилгач дарҳол Адлия вазирлиги томонидан юритиладиган махсус электрон порталга киритилиши белгиланган бўлса-да, 25 та давлат ташкилоти томонидан амалга оширилган тарғибот тадбирлари тўғрисидаги маълумот тизимга ўз вақтида жойлаштирилмаган.

Электрон порталга киритилган маълумотларнинг таҳлили Фавқулодда вазиятлар, Иқтисодиёт ва молия, Рақамли технологиялар, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари, Фуқаро авиацияси ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентликлари, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳуқуқий тарғиботга етарли эътибор қаратилмагани кўрсатилиб, уларнинг фаолияти паст баҳоланган.

Шунингдек, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари адлия бошқармалари томонидан маҳаллий Кенгашларга тақдим этиладиган ахборотларнинг муддати ва сифатига етарли эътибор қаратилмагани қайд этилди.

Қўмита йиғилишида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат борасида муайян хато ва камчиликларга йўл қўйган Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари адлия бошқармалари раҳбарларининг ҳам ахборотлари эшитилди.

Сенаторлар томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, аввало, давлат хизматчилари ҳуқуқий билимларини кучайтириш кераклиги ва улар аҳолига ўрнак бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, муҳокама жараёнида келгусида амалга ошириладиган устувор режалар ҳам белгиланди. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИК

*Ўзбекистон ва Сингапур орасидаги масофа гарчанд яқин бўлмаса-да, икки давлат ўртасида сўнгги йилларда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.*

## Фикр

Ўзаро дипломатик муносабатлар 1997 йилда ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон ушбу давлат билан халқаро майдонда илк дипломатик алоқаларни йўлга қўйган даврдан бошлаб то ҳозирга вақтга қадар ишончли ҳамкор эканлигини намоён этди.

Ўтган даврда Ўзбекистон ва Сингапур муносабатлари сифат жиҳатдан янги ривожланиш босқичига кўтарилиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари очилмоқда. Ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугун изчил мустаҳкамланган ҳолда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди.

Давлатлар ўртасида савдо айирбошлаш суръати доимий равишда ўсиб, 2017 йилдаги 92,6 миллион доллардан 2022 йилда 143 миллион долларга етди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида Сингапурга ташрифи икки давлат муносабатларини юқори даражага олиб чиқиш билан бирга ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада юксакка кўтарди, десак, муболаға эмас.

Гарчанд у қисқа муддатли ташриф бўлишига қарамай самарали кечгани, унинг доирасида кўплаб ҳужжатлар имзолангани билан аҳамиятли бўлди. Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигини янада ривожлантиришни назарда тутувчи 8 та ҳужжат имзолангани икки мамлакат муносабатларида янги даврни бошлаб берди.

Олий даражадаги ташриф давомида эришилган келишувларни ҳаётга жорий этишда парламент олдида турган вазифаларга келсак, бугун Ўзбекистон ва Сингапур парламентлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Келгусида ҳам ўзаро ҳамкорликни изчил равишда кенгайтириб бориш мақсад қилинган.



Давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг кейинги босқичида миллий парламент олдида турган вазифалар ва уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб олинган бўлиб, икки томонлама парламентлараро алоқалар доирасида олиб борилаётган ўзаро мулоқот давомидаги муҳокамалар, фикр ва тажриба алмашувлари орқали Ўзбекистон ва Сингапур ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда юртимизда парламентаризмни янада ривожлантириш борасидаги мақсадга эришилади.

Айтиш жоизки, Сингапур турли соҳаларда катта тажрибага эга бўлиб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатларимизнинг глобал кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича нуқтаи назарлари яқин ёки бир-бирига мос келади. Томонлар халқаро ташаббусларни илгари суришда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлаб келаётир.

Умумий режалаштириш, логистика, рақамли алоқа, таълим ва кадрлар салоҳиятни ошириш каби соҳаларда Сингапурнинг бир қатор компаниялари Ўзбекистонда фаолият юритиб келяпти. Шунингдек, Сингапур ўзбек компаниялари учун АСЕАН минтақасини жалб этиш учун яхши базага айланиши мумкин. Чунки Сингапур бизнес ва транспорт маркази ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Яқубнинг юртимизга давлат ташрифи эса мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатни ҳар томонлама юксак даражага олиб чиқиш, икки томонлама алоқани ҳар жиҳатдан ривожлантиришга замин яратиши, шубҳасиз.

Зеро, “Кўксарой” қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралар чоғида сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга ошириш, жамоат хавфсизлиги ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича мулоқотларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиёда минтақавий интеграциянинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиб, халқаро майдонда, энг аввало, БМТ доирасида ҳамда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёнида ўзаро англашув ва қўллаб-қувватлаш даражаси юқори эканини қайд этдилар. Ташриф доирасида қабул қилинган ҳужжатлар эса шубҳасиз, кўп қиррали Ўзбекистон — Сингапур ўзаро муносабатларининг янги даврини бошлаб беради.

**Дилором ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси.**

# СУВ РЕСУРСЛАРИ МУАММОЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ

*Яқинда Пномпень шаҳри (Камбоджа)да бўлиб ўтган Сув ресурслари бўйича Осиё парламентлараро маслаҳат кенгашининг 5-мажлисида Олий Мажлис Сенати делегацияси ҳам иштирок этди.*

## Анжуман

Жанубий Корея, Қозоғистон, Қирғизистон, Малайзия, Лаос, Непал каби давлатлар вакиллари қатнашган мазкур нуфузли анжуманда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар ва парламент аъзоларининг роли, сув билан таъминлаш ва ижтимоий таъминот дастурлари, сиёсий тадқиқотлар ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Иштирокчилар ушбу доирадаги ҳамкорлик сув хўжалиги масалаларини ҳал қилиш, ичимлик суви таъминоти ва канализация тармоғи ишлашини таъминлаш, сув тошқинлари ва қурғоқчиликнинг олдини олиш, шунингдек, сув хавфсизлигини таъминлаш учун илғор юқори технологияли воситалардан фойдаланиш имконини беришини қайд этдилар.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда шиддатли демократик ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда Оролбўйи экотизимини яхшилаш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 млн. кўчат экилаётганини айтиб ўтди.

Ўз навбатида, мажлис давомида “яшил” иқтисодиёт, “яшил” энергетика тамойилларини жорий этиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси намойиш этилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчиларига Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси аъзолари ва экспертлари томонидан ишлаб чиқилган сайёрамиз минтақаларидаги иқлим ўзгариши интенсивлигини аниқлаб берадиган универсал формула тақдим этилди.

Йиғилганлар томонидан иқлим ўзгаришининг олдини олиш, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва сув барқарорлигига эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Мажлис якунида сув барқарорлигини таъминлаш, иқлим муаммосини ҳамжиҳатликда ҳал этиш, ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда парламентлар иштирокида ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича дастур ва лойиҳалар таклиф этилди.

# МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ДАСТУР ИЖРОСИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги қуёнчилик ва наслчилик агрокомплексида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Жабборовнинг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур ижросининг бориши тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

## Эшитув

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикада жами 18 167 та чорвачилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан қорамолчилик йўналишида 7 614, қўй ва эчкичилик — 3 263, йилқичилик — 142, туячилик — 52, паррандачилик — 1 298, балиқчилик — 4 829, асаларичилик 715 та ва қуёнчилик 254 тани ташкил этмоқда.

Соҳада олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 2022 йилда чорвачиликда умумий қиймати 9,7 трлн. сўмлик 2 минг 31 та лойиҳа амалга оширилиб, 160 мингга яқин доимий ва мавсумий янги иш ўринлари яратилган. Аҳамиятлиси, жорий йилнинг ўзида 915,4 млрд. сўмлик 406 та лойиҳа ишга туширилган.

Ушбу Дастур доирасида пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 1,3 трлн. сўмлик 43 та чорвачилик комплекслари ташкил этилиб, 26 минг бошга яқин қорамоллар парвариши йўлга қўйилган. Қолаверса, 2022 йилда 110 та гўшт ва 139 та сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида 19,6 минг бош чорва моллари тарқатиб берилди.

Шунингдек, йирик қорамолчилик йўналишида 300 бошдан 500 бошгача бўлган хўжаликлар сони 648 тага, 500 бошдан 1000 бошгача бўлган хўжаликлар сони 256 тага, 1000 бош ва ундан юқори бўлган хўжаликлар сони 171 тага етказилган.

Соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида эса импорт қилинган наслли чорва ҳайвонлари ва ички хўжаликларда етиштириб сотилган наслли қорамоллар учун 1 097 та чорвачилик субъектларига 161,9 млрд. сўм ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ўз хўжаликларида етиштириб сотувчи 1 212 та чорвачилик субъектига 478 млрд. сўм Давлат бюджетидан субсидия маблағлари ажратилди.

Ахборотда келтирилганидек, соҳани илмий ёндашув доирасида олиб бориш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида швиц зотли қорамолларнинг “Янги водий” ҳамда қўйларнинг дашт шароитига мос келадиган гўшт-жун йўналишидаги “Фарғона-Риштон-Дашт” ва сержун-гўштдор қўйларнинг “Ақчасой” типлари яратилган. Натижада республикамизда бир бош сигирнинг ўртача сут маҳсулдорлиги 3 минг 400 килограммга ва сўйиладиган бир бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 390 килограммга етказилган.

Эшитув давомида депутатлар Дастур доирасида қилинган ишларни ижобий баҳолаш билан бирга, жойларда деҳқон ва фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган чорва молларига ветеринария хизматларини кўрсатиш тизимини янада кучайтириш таклифини илгари сурди.

Ҳудудларда ҳайвонлар касалликлари бўйича ветеринария осойишталигини таъминлаш, заруратга қараб ветеринария хизматини кўрсатиш ишларини ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Депутатларнинг фикрича, бу бевосита аҳоли саломатлиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги билан боғлиқ жараёндир.

Эшитувда соҳани янада ривожлантиришда чорвачилик ва унинг тармоқларида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларини кенгайтириш, чорва моллари учун ажратилган майдонлардан унумли фойдаланишни таъминлаш чораларини кўриш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга, чорвачилик хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда инфратузилма хизматларини янада яхшилаш бўйича зарур таклифлар берилди. Айниқса, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик субъектларига озуқабоп экинлар экишни йўлга қўйиш бўйича тизим яратиш зарурлиги қайд этилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МУСАФФО ТАБИАТ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Сир эмас, охирги 50 — 60 йилда иқлим кескин ўзгариши, саҳроларнинг кенгайиши, чўлланиш ва ер деградацияси, маиший ва саноат чиқиндилари тобора ортиши, атмосферанинг зарарланиши, сув ресурслари ифлосланиши ва танқислиги, ўрмонлар ва биохилма-хилликнинг қисқариши инсоният учун ниҳоятда долзарб глобал экологик муаммога айланиб улгурди.*

## Мушоҳада

Шу сабабли бутун дунёда ушбу муаммони бартараф этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Буни 1972 йил 5 июнда Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилингани ва шундан буён дунё бўйлаб 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан турли тадбирлар, жумладан, “яшил” концертлар, танловлар, шунингдек, атроф-муҳитни тозалашга қаратилган экологик акциялар ўтказилиб келинаётгани мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда кўплаб эзгу ишлар рўёбга чиқариб келинмоқда. Аввало, она табиатни асраб-авайлаш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишнинг қонунчилик базаси яратилганлигини таъкидлаш зарур. Муҳими, у тобора мустаҳкамланмоқда. Яқинда референдум асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти ўлароқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланди.

Унда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган махсус нормалар, хусусан, ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат томонидан атроф-муҳитни яхшилаш, экологик мувозанатни сақлаш, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш юзасидан чоралар кўриши белгиланди. Айни чоғда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиши белгилаб қўйилди.

Айтиш жоизки, атроф-муҳит инсон саломатлиги ва ҳаётига таъсир қилувчи муҳим омилдир. БМТ маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг 20 — 40 фоизи атроф-муҳитга боғлиқ. Қулай атроф-муҳит табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгариши, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис кўпгина ривожланган давлатларда ушбу муаммо кенг муҳокама этилмоқда ҳамда экология муҳофазасига оид янги нормалар конституцияларга киритилаётир.

Бунда экологияга етказилаётган салбий таъсирни камайтириш муҳим ўрин тутади. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларда олиб борилаётган қурилиш ишларининг экологияга зарари белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлаётган бир шароитда аҳолининг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, қурилишларнинг табиатга зарарли таъсирига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Шуларга мос ҳолда давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради.

Ўзбекистонда Орол муаммоси оқибатларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунингдек, Оролбўйидаги мураккаб экологик вазият, аҳоли генофондини муҳофаза қилиш, саломатлигини яхшилаш, ҳудудда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Конституцияда ушбу норманинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитлари яратилишини ва турмуш даражаси жиддий тарзда яхшиланишини таъминлайди, барча касб эгалари, аввало, ижтимоий соҳа вакиллари учун қўшимча имтиёзлар пакети қўлланилади ҳамда тадбиркорлик тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг атроф-муҳитни ҳимоялашга йўналтирилган лойиҳаларда фаол қатнашиш имконияти пайдо бўлади.



Мазкур норма халқимиз ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни яратиш, Оролбўйи минтақаси аҳолисини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ишсизликни камайтириш, одамлар яшаши ва ишлаши учун қулай атроф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатларини яратади.

Умуман, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ва экологик сиёсат натижасида атроф-муҳит сифати яхшиланди. Атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши қарийб 2 мартага, озонни емирувчи моддалардан фойдаланиш 99,5 фоизга, ифлосланган оқова сув ҳажми 2 баробар камайди. Ўсимликларни ҳимоялашнинг кимёвий усулларидан воз кечилиб, биологик усулларидан фойдаланилмоқда. Бетакрор, ноёб флора ва фауна турларини, шунингдек, уларнинг генофондини сақлаб қолиш учун миллий қўриқхоналар, боғлар, буюртмахоналар ва экологик марказлар ривожлантирилмоқда.

Қайд этиш жоизки, республика ҳудудида табиий экотизимлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, чўл ва яримчўл, тоғолди ва пастқам тоғли жойлар, тоғ, дарё ва қирғоқбўйи ҳамда сувли-ботқоқ жойлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг биохилма-хиллиги ҳозирги пайтда маълум бўлган 27 мингтага яқин турни ўз ичига олади. Улар орасида ўсимликлар дунёси 11 мингта турга яқин ва ҳайвонот дунёси эса 15,6 мингта турдан ортиқдир.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдан бошлаб БМТ Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенциясида кўзда тутилган бир қатор, шу жумладан, биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш мақсадида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш мажбуриятини олган. Шу асосида Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси тасдиқланган. Амалга оширилган ишлар натижасида республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,321 млн. гектарга етказилиб, мамлакат ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил қилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиздаги қатор сув объектлари, “Айдар-Арнасой” кўллар тизими, “Денгизкўл”, “Тўдакўл”, “Қуйимозор” ва “Судочье” сув ҳавзалари халқаро аҳамиятга эга бўлиб, улар тегишли конвенция рўйхатига киритилган.

Бундан ташқари, алоҳида экологик қимматга эга табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликларни, ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаб қолиш ҳамда уларни қайта тиклаш, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтириш, табиий жараённи ўрганиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 сентябрдаги қарори билан Қорақалпоғистон Республикасида “Борсакелмас” давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилди.

Бугунги кунга келиб сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳам мамлакатимизнинг барқарор тараққиётида ҳал қилувчи масалалардан бири ҳисобланади. Бу масала сув ресурсларининг танқислиги, уларнинг сифати ёмонлашиши, минтақада шаклланган янги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик жараёнларда янада долзарблик касб этмоқда.

Ўз навбатида, инсон ҳаёти учун муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларининг экологик нормативларга мослигини таъминлаш бугунги куннинг глобал муаммоларидан биридир. Бу борада ҳам юртимизда қатор ишлар олиб борилаётир. Масалан, биргина 2022 йилда 14 минг 942 назорат остидаги корхоналарнинг 11 минг 242 тасида атмосферани ифлослантириш манбалари хатловдан ўтказилиб, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Натижада 245 та корхона ва ташкилот томонидан 486 та чора-тадбир бажарилиши эвазига 18 минг тонна ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага ташланишининг олди олинди.

Шу каби саъй-ҳаракатларга қарамасдан, тезкорлик билан ҳал этилиши зарур бўлган талай вазифалар ҳам бор. Бунинг учун, энг аввало, иқтисодиётнинг эски моделидан воз кечиш талаб этилади. Шу боис “яшил” иқтисодиётга ўтиш чораларини кўрмоқдамиз.

Экспертлар фикрича, юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари салоҳияти 51 млрд. тонна нефть эквивалентига тенг экан. Бу — мамлакат бўйича йилига қазиб олинадиган бирламчи энергетика захиралари ҳажмидан 2,5 баробар кўп, деганидир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш мақсад қилиб олинган.

Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида ҳам экологик барқарорликни таъминлаш масаласига алоҳида урғу берилган бўлиб, ушбу йўналишдаги вазифаларимиз ниҳоятда салмоқли. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ижроси она табиатни асраш, экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этиш ҳамда иқтисодиётни янгича йўналишда ривожлантириш ва пировардида аҳоли ва келгуси авлодларнинг мусаффо табиатда яшаш ҳуқуқини кафолатлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

**Назорат**

# ЖОЙЛАРДА АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13 — 16-моддалари ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида Самарқанд ва Жиззах вилоятлари мисолида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

Таъкидланганидек, Жиззах вилояти аҳолисига 11 та туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси, 34 та оилавий поликлиника, 65 та оилавий шифокорлик пункти ҳамда 73 та маҳалла тиббий пункти хизмат кўрсатиб келяпти.

Давлат тиббий муассасаларидан ташқари вилоятда 174 та хусусий тиббиёт муассасаси ҳам бўлиб, уларнинг 39 тасида стационар бўлим мавжуд. Амбулатор ёрдам кўрсатувчи тиббий муассасалар сони эса 135 тани ташкил этади. Стоматологик тиббий ёрдам 69 та муассасада кўрсатилмоқда. Энг муҳими, тиббий муассасаларда аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам пакети доирасида тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Йиғилишда вилоятда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, маълумотлар электрон базасини шакллантириш фуқароларга замон талабларига жавоб берадиган тизимни яратишга асос бўлгани қайд этилди. Шунингдек, Жиззах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, марказда ногиронлиги бўлган шахслар, 1 ойда 160 — 180 та реабилитация даво курсини ўтайди.

Қайд этилганидек, мазкур қонуннинг 13 — 16-моддалари ижроси бўйича Самарқанд вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Вилоятда давлат тиббий муассасаларидан ташқари 635 та хусусий тиббиёт маскани ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг 123 тасида стационар бўлим ташкил этилган. Амбулатор ёрдам кўрсатувчи тиббий муассасалар сони эса 512 тани ташкил қилади. Қолаверса, 2 та муассаса давлат-хусусий шериклик асосида иш бошлаган бўлса, учта хизмат аутсорсингга ўтказилган.

Шу билан бирга, ўтган даврда вилоятда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Тиббиёт соҳасида туб янгиланишлар содир бўлди, энг аввало, замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди. Хусусан, бирламчи тизим муассасаларига 5,7 млн. АҚШ доллари қийматидаги УЗИ, ЭКГ ускуналари ҳамда компьютер жамламалари, офтальмоскоп/отоскоп, хирургик ва гинекологик жамламалар, стоматологик ускуналар, катталар ва чақалоқлар учун электрон тарози, бўй ўлчагич ва бошқа жиҳозлар етказиб берилди. 8 та объектда эса 57 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бу саъй-ҳаракатлар самарасида республика, вилоят ва туман шифохоналари ҳамда ихтисослаштирилган марказлар ва уларнинг ҳудудий филиалларида имтиёзли тоифага мансуб 40 минг 158 нафар бемор даволанди. 587 нафар беморда юқори технологик операциялар ўтказилган бўлса, 22 нафар беморда буйрак, 1 нафарида жигар трансплантацияси ўтказилди.

Депутатлар шунингдек, вилоятда “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 13 ва 16-моддалари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни эътироф этиб, бу борада қилиниши лозим бўлган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Қўмита аъзоларининг таъкидлашича, вилоятнинг Каттақўрғон шаҳри ҳамда Каттақўрғон, Нуробод, Пахтачи ва Ургут туманларининг олис ва чекка ҳудудларида маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилмаган. Аҳолининг 1 минг 302 нафари эса юқори технологик операцияга муҳтож.

Муҳокамалар давомида ушбу масалаларга тўхталиб ўтилди ва республика ихтисослаштирилган марказларининг малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали маҳорат дарслари ҳамда ҳудудларнинг ўзида юқори технологик операциялар ўтказиш билан аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Фармон ва ижро**

# МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ижросини Самарқанд ва Наманган вилоятлари мактабгача ва мактаб таълими тизимида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касбининг нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида 1270 та мактабда 762 минг 433 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Вилоятдаги 59 минг 463 ўқитувчининг 50 минг 658 нафари олий маълумотли, 4 минг 567 нафари тугалланмаган олий маълумотли, 4 минг 238 нафари эса ўрта махсус маълумотлидир.

Эътиборлиси, мактаблардаги 4 минг 897 нафар хорижий тил ўқитувчиларининг 1 минг 287 нафари миллий ва халқаро даражадаги сертификатларга эга. Ўтган ўқув йилида 44 минг 855 нафар 11-синф битирувчиларидан 15 минг 379 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Янги ўқув йилидан Самарқанд шаҳридан 3 та, Пастдарғом ва Ургут туманидан ҳам 3 тадан, қолган ҳудудлардан эса 1 тадан, жами 22 та умумий ўрта таълим мактаблари тажриба-синов шаклида танлаб олиниб, ўқувчилар иккита хорижий тил ҳамда касб-ҳунарни ўрганиши учун маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий тадбиркорлар ҳисобидан зарур шарт-шароитлар яратилади.

Шунингдек, вилоятда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бошланғич синфларда (1 — 4-синф) 320 минг 99 нафар ўқувчига бепул овқатланишни ташкил этиш режалаштирилган. Хорижий тил ўқитувчиларининг 810 нафари миллий, 780 нафари эса халқаро сертификатга эга бўлиши таъминланади.

Шу билан бирга, жорий йилда Инвестиция дастури доирасида жами 34 та объектларда умумий қиймати 170,8 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши орқали 10 минг 200 та янги ўқувчи ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони ижроси юзасидан Наманган вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Қайд этилдики, айни чоғда вилоятда 727 та мактабда 524 минг 429 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Ҳудуддаги 37 минг 790 ўқитувчидан 34 минг 866 нафарини олий маълумотли, 1 минг 261 нафарини тугалланмаган олий маълумотли, 1 663 нафарини эса ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар ташкил қилади.

Ўтган ўқув йилида 29 минг 908 нафар 11-синф битирувчиларидан 8 минг 199 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Шунингдек, умумтаълим мактабларида хорижий тилларда ўқитиш сифатини яхшилаш мақсадида “Наманган тажрибаси” жорий этилган. Жумладан, вилоятда таълим сифати паст бўлган 34 та мактаб танлаб олиниб, уларда 680 нафар битирувчи ўқувчиларга вилоятдаги ўқув марказлари томонидан аутсорсинг усулида инглиз тили фанини ўқитиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 1 — 4-синф ўқувчиларини Финляндия тажрибаси асосида ўқитиш белгиланган бўлиб, ушбу тажрибани амалга ошириш учун Наманган шаҳридаги 23-сонли мактаб танлаб олинди. Мактабнинг 8 нафар бошланғич синф ҳамда 2 нафар малака ошириш ҳудудий маркази ўқитувчилари Тошкент шаҳридаги А. Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтида ўқитилди.

Янги ўқув йилидан Наманган шаҳри ва туманларда жами 14 та умумий ўрта таълим мактаблари тажриба-синов шаклида танлаб олиниб, ўқувчилар иккита хорижий тил ҳамда касб-ҳунарни ўрганишлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий тадбиркорлар ҳисобидан шарт-шароитлар яратилади.

Муҳокамалар давомида қўмита аъзолари ушбу соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этиш билан бир қаторда соҳада олиб борилаётган ишлар юзасидан парламент назоратининг самарадорлигини ошириш, 2023/2024 ўқув йилига жиддий тайёргарлик кўриш зарурлигини қайд этдилар.

Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Нуқтаи назар

*Бугун дунёнинг ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратадиган бўлсак, илмий-назарий қарашлар инновацион ғоялар, илғор технологиялар ёрдамида саноат, ишлаб чиқариш тармоқларига фаол интеграция қилинганини кўриш мумкин. Шу маънода, янгиланаётган Ўзбекистонда тараққиёт сари дадил қадамлар ташланар экан, илм-фан равнақини янги босқичга кўтариш, илмий ишланмалар ва ташаббусларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани айни муддао. Бу борада илғор мамлакатлар тажрибасидан ўтган ўзига хос ёндашув — инновацион ҳудудларнинг ташкил этилаётгани келгусида ўз самарасини беради.*

*Шу йилнинг 7 апрель куни Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, Сирдарё вилоятини саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича “илғор инновациялар ҳудуди”га айлантириш бўйича топшириқлар берди.*

*Бугунги кунда мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июлдаги “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги” Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда инновацион ҳудудларда тўпланган тажрибани бошқа жойларга босқичма-босқич жорий қилиш орқали мамлакат марказидан бошлаб энг олис манзилларгача “тубдан янгиловчи” инновацияларнинг кириб боришини таъминлаш кўзда тутилган.*

*Фармонда инновацион ривожлантириш ҳудудларида 2022 — 2026 йилларда кичик инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тайёр “1000 та инновацион лойиҳа” таклифлар портфелини шакллантириш ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, муваффақиятли кичик инновацион ишлаб чиқариш ташкилотларини республиканинг бошқа географик ҳудудларига трансфер қилиш сингари йўналишларда устувор вазифалар белгиланди.*

# ИННОВАЦИОН ҲУДУДЛАР — ТАРАҚҚИЁТГА ИЛМ-ФАН АСОСИДА ЁНДАШУВ



## Ўзига хослик, мақсад ва вазифалар

Хўш, инновацион ҳудудлар ўзи нима? Улар бошқа географик ва маъмурий бирликлардан қай жиҳати билан фарқланади? Бундай зоналарни ташкил этишдан қандай мақсад-муддаолар кўзланади?

Аввало, бу — бошқа юридик субъектга нисбатан алоҳида ҳуқуқий мақомга эга чекланган ҳудуддир. Бундай зоналар ташкил этиш орқали давлатнинг умумий ёки алоҳида ҳудудларини замонавий мезонлар асосида ривожланишининг стратегик масалалари ҳал этилади. Хусусан, ташқи савдо, ижтимоий-иқтисодий, минтақавий, илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилиш имконияти кенгайиб боради.

Шунинг учун ҳам бу каби ҳудудлар биринчи навбатда юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш ёки янги технологияларни амалда қўллаш мақсадида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 28 та инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманлар рўйхати тасдиқланди. Ўтган даврда 28 та инновацион туманларнинг инновация масалалари бўйича ўринбосарлари тайинланди ва улар учун ўқув-тренинг курслари ўтказилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида маҳаллий бюджет ва ташаббускорларнинг маблағлари эвазига умумий қиймати 136,6 млрд. сўм бўлган 175 та лойиҳа молиялаштирилди. Истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 1977 та янги иш ўрни яратилди ҳамда 146 та янги корхона фаолияти йўлга қўйилди. Энг муҳими ва қувонарлиси, 227 хилдаги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга татбиқ этилишига эришилди.

## Истиқболли ишланмалар молиялаштирилади

Айтиш жоизки, инновацион ҳудудлар илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор рағбатлантирувчи механизмлар орқали инновацияларнинг жорий этилишига хизмат қилади. Ташаббускор тадбиркорлар, юқори технологик компаниялар ва илмий марказлар айни шу каби инновацион ҳудудларда бирлашади. Улар янги маҳсулотлар, хизматлар ва ечимларни тақдим этади. Шу орқали аҳоли яшаш сифатини, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширади.

Инновацион ҳудудлар муваффақиятининг асосий омилларидан бири, бу — молиялаштириш манбаларининг мавжудлигидир. Ушбу ҳудудда венчур капитали, “бизнес-фариштлар” ва давлат грантларидан фойдаланган ҳолда стартап корхоналар ташкил этилади, тадбиркорлар ўз ғояларини амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бу орқали қўшимча иш жойлари яратилади, иқтисодий-ижтимоий ривожланишга йўл очилади.

Ҳозирги пайтда баъзи кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун молиялаштириш масаласида муаммоларга дуч келмоқда. Бундай вазиятда замонавий рақамли молиялаштириш тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Рақамли молиявий технологиялар молиявий операцияларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини оширади, харажатлар ва хатарларни камайтиради, истиқболли инвесторлар ва мижозлар кўламини кенгайтиради.

Шунингдек, мавжуд корхоналар фаолияти йўналишлари диверсификация қилиниши туфайли улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ошиши таъминланади.

## Коворкинг марказлари — ғоя эгаларига рағбат

Инновацион ҳудудлар стартаплар ва тадбиркорларга ҳамкорликда ишлаш ҳамда ғоялар алмашинувини амалга оширишлари учун коворкинг марказлардан фойдаланиш имкониятини яратади. Бу эса янги лойиҳа устида ишлаш жараёнида ғоя эгаларининг ўз қобиғига ўралиб қолиш хавфини камайтиради.

Коворкинг марказлар турли касб эгалари, турфа соҳа вакиллари ва кўплаб ташкилотлар ўз ресурслари, асбоб-ускуналари ва билимларини улашиш мақсадида бир бинода, демак, бир муҳитда ишлашлари учун ташкил этилади. Шу боис стартаплар ва тадбиркорлар дунёни ўзгартиришга қодир янги маҳсулотлар ҳамда хизматларни яратиб келаётган дунёдаги энг машҳур инновацион ҳудудлар — Силикон водийси, Берлин шаҳри ёки Сингапурда бўлгани каби кейинги йилларда юртимизда ҳам коворкинг марказлар фаолияти тобора ривожланиб бормоқда.

Эътиборлиси, ушбу марказларда мутахассислар нафақат юқори тезликдаги интернет тармоғи ва қўшимча қулайликлардан фойдаланиши мумкин, балки ўзлари дуч келган муаммоларни ҳал этишга кўмак бера оладиган ҳамкорлар, инвесторлар топиш, ўзаро фикр алмашиш ҳамда фаол алоқаларни йўлга қўйиш имконига эга.

Бундай марказлар маслакдошларни бирлаштириш, инновациялар яратиш маданиятини шакллантириш ҳамда иштирокчиларнинг муваффақиятга эришишларига замин яратади. Айни чоғда ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга хизмат қилади, бир жойдан иккинчи жойга тинимсиз қатнаш заруриятини қисқартиради, алоҳида офисларни ижарага олиш каби муаммоларни бартараф этади. Коворкинг — бу нафақат иш жойи, балки ҳаёт тарзи ҳамдир, у ерда инсон ўсади, улғаяди, профессионал кўникмаларини юксалтиради.

## Иқтидорли ёшларга ва ҳамкорликни ривожлантириш учун платформа

Аёнки, инновацион иқтисодиёт ривожи учун иқтидорли инсон ресурси талаб этилади. Шунинг учун ҳам инновацион ҳудудлар иқтидор эгаларига қизиқарли ва истиқболли иш жойларини таклиф этувчи масканга айланиши мумкин. У ерда ёшлар сифатли таълим олиши, мутахассислар эса ўз малакаларини ошириш имкониятига эга бўлади. Энг сўнгги технологиялар ва инновацияларга йўналтирилган стажировкалар ва ўқув дастурлари уларнинг юқори маошли иш ўринларига жойлашишларига кўмак беради.

Мамлакатимизда ташкил этилаётган инновацион ҳудудларда бутун дунёдан иқтидорларни жалб қилиш ва улар шу ерда қолишлари учун шарт-шароитлар яратишни мақсад сифатида белгилашимиз керак. Бу, ўз навбатида, ушбу ҳудудларда юқори малакали мутахассислар билан ҳамкорлик қилишга интилувчи инвесторлар ва мижозларни ўзига тортувчи оҳанрабо бўлади. Ижодкор, янгича фикрловчи, янги замон билан ҳамнафас кадрлар инновацион ҳудудда ижодий муҳит яратиб, таълим, илм-фан, санъат, адабиёт ривожига ҳисса қўшади.

Қолаверса, инновацион ҳудудлар университетлар, тадқиқот марказлари ва хусусий корхоналар ўртасида янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилади. Илмий тадқиқотлар олиб бориш, унинг натижасида яратилган ишланмаларни тижоратлаштириш мазкур зоналарнинг муваффақият калити саналади. Тадқиқотлар ва ишланмаларга доир лойиҳаларни ҳамкорликда олиб бориш билимлар, ресурслар, малакаларни бирлаштиришга, шунингдек, ғоялар ва технологиялар билан алмашишга туртки бўлади, инновацияларни тижоратлаштиришни жадаллаштиради, ҳудудий иқтисодий кўрсаткичларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Ҳамкорлик самарали ва узоқ муддатли бўлиши учун эса илмий-техник соҳанинг турли иштирокчилари ўртасида ўзаро самимий муносабат ўрнатишга шароит яратиш керак. Бу жиҳатдан инновацион ҳудудларнинг аҳамияти беқиёс. Негаки, мазкур платформада юқори технологик корхоналар, илм-фан, таълим муассасалари ва инновацияларни қўллаб-қувватловчи инфратузилма мавжуд.

> Мамлакатимизда ташкил этилаётган инновацион ҳудудларда бутун дунёдан иқтидорларни жалб қилиш ва улар шу ерда қолишлари учун шарт-шароитлар яратишни мақсад сифатида белгилашимиз керак. Бу, ўз навбатида, ушбу ҳудудларда юқори малакали мутахассислар билан ҳамкорлик қилишга интилувчи инвесторлар ва мижозларни ўзига тортувчи оҳанрабо бўлади. Ижодкор, янгича фикрловчи, янги замон билан ҳамнафас кадрлар инновацион ҳудудда ижодий муҳит яратиб, таълим, илм-фан, санъат, адабиёт ривожига ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятли бўлиши учун ҳамкорларнинг манфаатлари ҳамда мақсадларини мувофиқлаштиришга тўғри келади. Бу доимо мослашувчанлик, бир-бирига ишонч, мулоқот ва музокараларга тайёр бўлишни тақозо этади. Эгалик ҳуқуқи, сир сақлаш, ҳамкорлик натижалари учун масъулият билан боғлиқ масалалар ҳам борки, буни ҳам инобатга олиш зарур. Ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш ва рағбатлантириш учун эса давлат, турли жамғармалар ҳамда бошқа ташкилотлардан ёрдам талаб этилади.

## Солиқ имтиёзлари самараси

Фискал имтиёзлар тадқиқотлар ва ишланмалар билан шуғулланадиган корхоналар ҳамда тадбиркорларга молиявий кўмак берган ҳолда инновацияларни рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди. Айрим ҳудудларда инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини жорий қилиш дунё тажрибасида қўлланилган бўлиб, стартаплар, инвесторлар, тадбиркорларни жалб этиш учун, масалан, кўчмас мулк солиқларини камайтириш мумкин. Бундай имтиёзлар инновацион туманларда рақобатбардошликни ошириш ва иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади.

Кўплаб мамлакатлар тадқиқотлар ва конструкторлик ишларига маблағ сарфлайдиган корхоналарга солиқ имтиёзлари жорий этган. Бу бошқа корхоналарни ҳам инновацион лойиҳаларни амалга оширишга ундайди. Инвестицион солиқ имтиёзлари янги технологиялар, ускуналар, объектларни ишлаб чиқаришга жорий этган корхоналарнинг капитал харажатларини молиялаштиришга ва уларнинг инновацияларни амалга оширишига ёрдамлашади.

Шунингдек, амортизацияни тезлаштириш ҳам бугунги тезкор давримиз учун муҳим. Асбоб-ускуналар маънавий жиҳатдан тез эскираётган, янги технологиялар тез алмашаётган бир пайтда анъанавий амортизация жадвали ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Бу, айниқса, юқори технологик корхоналар фаолиятида яққол сезилади.

“Патент қутилари” режими патентланган маҳсулотлар ва хизматлардан олинган даромаддан камроқ солиқ олишни назарда тутади. Бу ҳам компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириб, уларнинг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бозорда мавжуд бўлмаган хизматларни кўрсатишда манфаатдорлигини оширади. “Патент қутилари” режими Италия, Ирландия, Буюк Британия, Нидерландия каби давлатларда қўлланилади. Уларнинг барчасида турли шартлар ва талаблар ўрнатилган бўлса-да, бу умумий солиқ ставкасининг ўртача 10-15 фоизга қисқаришини назарда тутади. Ушбу режим, ўз навбатида, интеллектуал мулк ҳимояси даражасини ҳам оширади.

Давлат томонидан ажратиладиган грантлар, субсидиялар тадқиқотлар ва ишланмалар билан шуғулланадиган корхоналар рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда янги маҳсулот ёки хизматларни илгари суриш имкониятини беради.

Амалий аҳамиятга эга бўлган илмий лойиҳаларга давлат томонидан грантлар бериш механизми Ўзбекистонда аллақачон шаклланиб улгурган. Ҳар йили юзлаб инновацион, амалий, тижоратлаштириш лойиҳалари молиялаштирилиб, уларнинг натижалари турли тармоқлар ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиб келинмоқда.

Шу йилнинг март ойида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар билан хўжалик бошқаруви органлари, тармоқ ташкилотлари ва ҳудудлар ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш форумининг баҳорги босқичи ўтказилди. Биргина шу тадбирда ҳудудлар иқтисодиётида мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тайёр илмий ишланмаларни жорий этиш, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда янги тадқиқот ишлари ташкил қилиш бўйича жами 29,6 млрд. сўмлик 74 та лойиҳани молиялаштиришга қаратилган ҳудудий иш режаси шакллантирилди. Тармоқ ва истеъмолчи ташкилотлар, олий таълим муассасалари ҳамда илмий муассасалар орасида ишланмаларни тижоратлаштириш, янгиларига буюртмалар бериш, соҳага инновацияларни жорий қилиш бўйича тармоқ иш режалари имзоланиб, уларда 41,4 млрд. сўмлик 20 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилди.

## Жаҳон тажрибаси

Турли ғояларни амалга ошириш учун турфа билиму кўникмаларга эга ва илмга ташна инсонларни бирлаштирувчи инновацион ҳудудлар шаҳарларда, университетлар кампусларида, саноат зоналарида жойлашган бўлиши мумкин. Бундан қатъи назар, инновацион ҳудудлар ривожланиши учун стартаплар ва тадбиркорларнинг фаолиятини енгиллаштирувчи инфратузилма мавжуд бўлиши шарт. Инфратузилма деганда, нафақат юқори тезликдаги интернет, транспорт, замонавий ускуналар каби моддий таъминот, балки молиялаштириш, менторлик, таълим имкониятлари каби ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлар ҳам назарда тутилади. Бунда технопарклар, бизнес-инкубаторлар, технополисларни яратиш яхши натижа беради.

Дунёдаги энг ривожланган, ўз ютуқлари билан мутахассислар олқишига сазовор бўлган инновацион ҳудудларнинг сара рўйхатига Финляндиянинг Тампере, Испаниядаги Валлес, Нидерландиянинг Энсхеде, Буюк Британиядаги Шеффилд ва Кембриж, Япониядаги Сукуба, Тояма, Оита ва Кумамото, АҚШнинг Силикон водийси ва 128-Бастон маршрути, Хитойдаги Шенчжен ва Нанху, Бельгиядаги Лейвен ва Леж ҳамда бошқаларни киритиш мумкин. Бу инновацион ҳудудлар давлат ва хусусий сектор вакиллари ҳамкорлигида, шунингдек, стартаплар, тадбиркорлар ва бизнес-инкубаторларни жалб қилган ҳолда ташкил этилган. Бунда махсус иқтисодий зона, кластерлар, хаблар, технопарклар, коворкинг каби шаҳар тузилмалари, ҳамкорлик ва ижодкорлик муҳитини яратувчи инфратузилма объектларидан фойдаланилган.

Одатда инновацион ҳудудлар катта шаҳарлар атрофидаги турғунликка мойил ҳудудларни жонлантириш, аҳоли яшаш сифатини ошириш мақсадида ташкил этилади. Бунга Япониянинг “миялар шаҳри” — Сукубани мисол қилиш мумкин. У пойтахтдан 35 километр узоқликда жойлашган бўлиб, технополис ташкил этишга қаратилган давлат дастури Токиодаги бир нечта илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини у ерга кўчиришни ўз ичига олган эди. Натижада Сукубани Токио ва бутун дунё билан боғлайдиган транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмаси ташкил этилди. Айни пайтда шаҳарда яшовчилар, асосан, иккита йирик университет ва 50 та тадқиқот институтида фаолият юритади.

Умуман олганда, инновацион ҳудудлар XXI асрда илм-фан назарияси ва амалиёт уйғунлигини таъминловчи улкан механизмдир. Бундай масканларни ташкил этиш дабдурустдан рўй бермайди, балки у стратегик режалаштиришни ва шу тариқа давлат, маҳаллий ҳокимият ҳамда хусусий сектор томонидан қўллаб-қувватлашни талаб этади. Бундай ҳудудлар ташкил этилган шаҳар ёки туман иқтисодий жиҳатдан ўсади, ижтимоий тараққиётга ва экологик барқарорликка эришади. Шу сабабли, инновацион ҳудудлар нафақат ишлаш ва таълим олиш, балки яшаш ва мароқли ҳордиқ чиқариш учун ҳам қулай жой саналади.

Мазкур ҳудудлар илм-фан ва технологиялар ёрдамида мураккаб глобал ва локал муаммоларни ҳал этиш ҳамда инсоният ҳаётини ҳар жиҳатдан яхшилашга катта ёрдам беради. Президентимиз томонидан Ўзбекистонда инновацион ҳудудларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад ҳам шу — халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишдир.

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**олий таълим, фан ва инновациялар вазири, академик.**

---

Сўнгги қўнғироқ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

**Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида 2022/2023 ўқув йили якунланиб, “Сўнгги қўнғироқ” тадбирлари бўлиб ўтди.**



Юнус БЎРИЕВ олган сурат.

...Ўқув йили якунланганини билдирувчи қўнғироқ жаранглаunion, ушбу мустақил ҳаётга чорлов садоси бир умр қулоқлар остидан кетмай, инсонни янги-янги марралар сари чорлаб туради.

Бу садо навқирон вужудни ҳушёр торттиради. У энди ёш бола эмас, ҳаётининг янги босқичига, айни пайтда ғоят масъулиятли, залварли палласига қадам қўйган шахс эканлигини яна бир бор англатади бу оҳанг!

“Сўнгги қўнғироқ” жаранги устоз-мураббийлар қалбини ҳам ҳаяжонга тўлдиради. Улар оппоқ қуш мисоли парвозга шайланиб турган ўқувчилари тимсолида эзгу орзу-мақсадлари рўёбини, машаққатли меҳнатлари мевасини кўради...

Жорий йилда мамлакатимиздаги 10 мингдан зиёд мактабларда “Сўнгги қўнғироқ”лар янграб, қарийб 392 минг нафар ёшларимиз қадрдон мактаблари, меҳрибон устозлари билан хайрлашди.

Президентимизнинг умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи ёшларига йўллаган табригида таъкидланганидек, *ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишдек мақсадларга сарфлашга бел боғлаган ёшлар — янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир.*

Пойтахтимизнинг Мирobод туманидаги 294-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам “Сўнгги қўнғироқ” тадбири кўтаринки руҳда ўтказилди. “Илмни қадрла, илмга интил!” шиори остида ташкил этилган тадбирда халқимиз ардоғидаги инсонлар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи ёшларига йўллаган табриги ўқиб эшиттириларкан, байрам шукуҳи янада ошди.

Тадбирда мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозаларига мос тарзда ривожлантиришга, ёш авлоднинг эмин-эркин яшаши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Янгиланган Конституциямизда ёшларнинг замонавий таълим олиб, касб-ҳунар ўрганиб, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун янада кенг имкониятлар белгиланган.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” деган эзгу шиор бугун халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, мактаб таълимини ривожлантиришда умуммиллий ҳаракатга айланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фаолияти йўлга қўйилган Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари таълим тизимидаги муҳитни бутунлай ўзгартириб юборди.

Ўқитувчи-мураббийлар қадрини тиклашга қаратилган эътибордан уларнинг қадди ҳам тикланди. Улар бугун қаерда юрмасин “Ўқитувчиман!”, дея баралла ифтихор билан айтадиган бўлди. Ойлик маошлари ошиб, ўз устида ишлашга, дарс ўтишнинг замонавий усул ва услубларини ўзлаштиришга имкон топди.

Мактаб битирувчиларининг ҳам бугун хаёли баланд. Уларда эртанги кундан юракларида хавотир, ҳадик йўқ. Таълим масканида эгаллаган билимларини, бор салоҳиятини намоён этишга иштиёқ бор. Чунки улар мамлакатимиз келажаги учун қилинаётган оламшумул янгиланишларни, ўзлари таянадиган қўлларни кўриб, теран ҳис этиб турибди. Шу боис эртанги кунга ишонч катта.

— Бу йил 56 нафар йигит-қиз таълим масканимизни битирмоқда, — дейди 294-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори Муқаддас Эгамбердиева. — Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил жамоамиз учун ўтган йилгидан анча самарали бўлди. Битирувчиларимизнинг 20 нафари халқаро сертификатни қўлга киритишган бўлса, 5 нафари миллий сертификатларга эга чиқишди. 18 нафари муддатидан илгари юртимиз ва хориждаги қатор нуфузли олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинди. Мактабни ёшларнинг тўрт нафари олтин, икки нафари кумуш медаль билан якунлади. Ўқувчиларимиз фан олимпиадалари, китобхонлик беллашувлари, турли спорт мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Улар орасида Осиё ва жаҳон чемпионлари бор. Ижодкор ёшларнинг китоблари нашр этилган.

Бу ютуқлар замирида, шубҳасиз, юртимизда навқирон авлодга яратилаётган шароитлар, устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати, йигит-қизларнинг иқтидори, юксак марраларга интилиши мужассамдир.

Тадбирда одоб-ахлоқи, интилувчанлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган ўқувчиларнинг ота-оналарига “Энг фаол ота”, “Масъулиятли ота-она”, “Аълочи ўқувчи отаси”, “Билимли қиз онаси” каби номинациялар бўйича ташаккурномалар топширилди. Ўқув йили давомида намунали хулқ ва аъло баҳоларга ўқиб, энг юқори рейтинг кўрсаткичларига эришган иқтидорли битирувчилар муносиб тақдирланди.

Битирувчилар устозларига, севимли таълим маскани мутасаддиларига берган меҳр-эътибори, билим ва тарбияси, яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

Ватан, халқ, мактаб, юксак орзу-мақсадлар ҳақида шеърлар айтилди. Дилрабо куй-қўшиқлар янгради. Қалбларни ҳаяжонга солиб, “Сўнгги қўнғироқ” жаранглади.

*“Сизларнинг доимо маррани баланд олиб, ягона куч бўлиб ҳаракат қилишингизга ишонаман. Сизлар бунга, албатта, қодирсиз”.* Президентимиз табригидаги ушбу эзгу даъват уларнинг юрагида бугунги қўнғироқ садосидек бир умр жаранг сочиб туриши аниқ...

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6